

**БЕРУНИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЛОТИНЧА ТАРЖИМАЛАРИГА ОИД
ФАН ТАРИХИДАГИ ҲУКМРОН ҚАРАШЛАР ВА УЛАРНИНГ
МЕДИЕВИСТИК ИНКОРИ**

Отабек Валижонович МАҲМУДОВ

доцент

тарих фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

o.maxmudov@pf.fdu.u

ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-9897-2796>

Аннотация

Мақолада XII-XIII асрларда Европада олиб борилган таржима фаолияти тарихига доир манбаларнинг таҳлил натижасига таяниб, Беруний асарлари қандай сабаблар билан ўрта асрларда лотин тилига таржима қилинмаганлигининг сабаблари аниқланган ва уларга ойдинликлар киритилган. Муаллиф ўз хулосаларида машҳур шарқшунослар И.Крачковский ва Ф.Сулаймоноваларнинг Беруний асарларини ўрта асрларда лотин тилига таржима қилинганлигига оид фаразларини илмий асосда инкор этган.

Таянч сўзлар: Беруний, асарлар, таржималар, таржимонлар, лотин тили, ўрта аср, Европа таржима марказлари, раддиялар.

**ПРЕВАЛИРУЮЩИЕ ВЗГЛЯДЫ НА ПЕРЕВОДЫ ПРОИЗВЕДЕНИЙ
БЕРУНИ НА ЛАТИНСКИЙ ЯЗЫК И ИХ МЕДИАВИСТИЧЕСКОЕ
ОПРОВЕРЖЕНИЕ**

Отабек Валижонович МАҲМУДОВ

доцент

доктор философии (PhD) по историческим наукам

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

o.maxmudov@pf.fdu.u

ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-9897-2796>

Аннотация

В статье, опираясь на результаты анализа источников по истории переводческой деятельности в Европе XII-XIII вв., выясняются причины, по которым произведения Беруни не переводились на латынь в Средние века. В своих выводах автор научно опроверг гипотезу И.Крачковского и Ф.Сулеймановой о том, что произведения Беруни были переведены на латынь в период средневековья.

Ключевые слова: Беруни, труды, переводы, переводчики, латинский, средневековый, европейские центры перевода, опровержения.

Жаҳон миқёсида Абу Райҳон Беруний (973-1048) ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида турли даражадаги тадқиқотлар олиб борилиб, қатор илмий

ишлар эълон қилинган. Агар бу каби тадқиқотларнинг библиографик рўйхати тузиб чиқилса, уларнинг умумий сони ўн мингдан ошиб кетиши турган гап. Айни жиҳат аллома илмий мероси турли цивилизациялар ривожда муҳим ўрин тутганлигини ортиқча таърифларсиз ҳам тасдиқлайди.

Шунга қарамай, буюк алломанинг асарларини ўрта асрларда Европада таржима этилиши, айниқса, дастлабки таржималарига доир масала ҳануз мунозараталаб бўлиб, бу борада республикамиз илмий жамоатчилиги томонидан тўғри маълумот сифатида қабул қилинган айрим “факт”лар сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўзининг ишончлилик даражасини йўқотди.

Таҳлил этилаётган масала юзасидан Германиянинг Бранденбург Фанлар академияси ходими, шарқшунос Готтхард Штроммайернинг “al-Bīrūnī: ein Genie, das der westlichen Welt unbekannt ist” (“Ал-Беруний: Ғарб дунёси билмаган даҳо” [6] номли илмий мақоласида айрим мулоҳазалар илгари сурилган. Бироқ, муаллиф Беруний шахсияти ва унинг илмий мероси қандай сабаблар билан то XIX асрга қадар Европада номаълумлигича қолганлигига аниқ жавоб бермай, фикрларини публицистик услубда умумий мазмундаги таърифлар билан баён этади.

Биз айти масалага ойдинлик киритувчи тадқиқот натижаларимизни аввалги ишларимизда [3] эълон қилиб, Беруний асарлари ўрта аср Европа таржима марказларида ўша даврнинг илмий тили ҳисобланган лотин ёхуд бошқа маҳаллий тилларга ўгирилмаганлигини тарихий манбалар ҳамда илмий-тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили асосида исботлаб берган эдик. Шунга қарамай республикамиз фан тарихчилари ва ҳавоскорлари орасида Беруний асарлари ўрта асрларда Европада лотин тилига таржима қилинган, деган нотўғри фикр ҳануз ҳукмронлик қилмоқда.

Назаримизда, айти ҳолатга машҳур рус шарқшуноси Игнатий Крачковский (1883-1951)нинг “Арабская географическая литература” [2] (“Араб географик адабиёти”) асари ҳамда ўзбек тилшунос олимаси Фозила Сулаймонова (1919-2014)нинг “Шарқ ва Ғарб” [5] номли монографиясида

келтирилган ва минтақимиз илмий доираларида расмий-тўғри маълумот сифатида қабул қилиниб қолган Беруний асарларини *“Испанияда билишгани ва Шарқнинг бошқа улуг олимларининг китоблари сингари, улар ҳам XII-XIII асрларда лотин тилига ўзгирилган”* лигига оид кичик қайдлар сабаб бўлмоқда.

Мазкур мақолада ҳар икки таниқли олимнинг Беруний шахсияти ва илмий мероси ўрта асрларда лотин дунёсига маълум бўлгани ва асарлари таржима қилинганига оид фаразларини лотин тилли манбалар, ўша даврда қўлланилган таржима методикаси ва замонавий қўлёзма фондлар каталоглари асосида танқидий таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Фикрларимизда мазмун узвийлигини таъминлаш мақсадида маълумотлар хронологик тартибда эмас, балки мантиқий кетма-кетликда баён этилади. Шу сабабдан дастлаб Ф.Сулаймонованинг машҳур *“Шарқ ва Ғарб”* номли монографиясини таҳлилга тортамиз.

Ф.Сулаймонованинг монографияси орқали китоблардан-китобларга ўтиб, юртимизда бу борадаги бўшлиқни тўлдириб келган: *“...инглиз қироли Генрих шифокори сифатида хизмат қилган испаниялик яҳудий Педро Альфонс ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб Берунийнинг “Сайдана” [оргинал номи “Китоб ас-сайдана фи-т-тиб”] ва “Минералогия” [оргинал номи “Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир”] асарларини лотин тилига қисқартириб ағдарган. Кейинчалик “ал-Қонун ал-Масъудий” [“ал-Қонун ал-Маъсудий фи-л-хайъа ва-н-нужум”]нинг ҳам катта қисмини лотин тилига таржима этади... Аммо таржимон олим исмини Али Бороний шаклида ёзган ва ҳалигача шундай аталади”* [5: 246], деб берилган маълумотлар лотин таржимачилиги тарихига оид манбалар таҳлили натижасида ўз исботини топмади. Бу ўринда, муаллиф ўзининг юқоридаги фикрларини тасдиғи учун на бирон-бир манба ва на илмий адабиётга ишора қилмаганлигини ҳам қайд этиш жоиздир.

Ф.Сулаймонова тилга олган Педро Альфонс исмли шахс аслида Арагон қироли Альфонсо I (1104-1134) саройида табиблик қилган Моше Сефарди (тахм. 1062-1140) эди. У 1106 йилда христианликни қабул қилгандан кейин ўзига Педро Альфонсо исмини олиб, илм истаб кўплаб мамлакатларга,

жумладан, Британияга саёхат қилган. Педро Альфонсо Фарб таржимачилик тарихида бадий адабиёт ва тарихга оид асарларнинг биринчи таржимони сифатида ном қолдирган. Бу асарларнинг энг машхурлари қаторига “Калилах ва Димнах” (“Калила ва Димна”), “Китоб алф лайла ва-лайла” (“Минг бир кеча”) ҳамда “ас-Синдибод ал-бахри” (“Синдбод денгизчи”) каби асарларни киритиш мумкин. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Беруний асарларини Педро Альфонсо томонидан латин тилига ўгирилганлиги хусусидаги маълумотлар унинг ҳозирга қадар етиб келган “*Disciplina clericalis*” (“Рухонийнинг ўқув китоби”), “*De Astronomia*” (“Астрономия”) ва “*De dracone*” (“Аждар”) каби шахсий асарларида ҳам, таржимон ижоди ва XI-XIII асрлардаги латин таржимачилиги тарихига оид манбаларда ҳам, на замонавий тадқиқотларда ҳам зикр этилмаган. Бу ўринда, *“таржимон олим исмини Али Бороний шаклида ёзган”* лиги тўғрисидаги маълумотни тарихий ҳақиқатга зид эканлигини ҳам қайд этиш зарур. Чунки, Педро Альфонсо ўрта аср Европа таржимачилигининг илк даври (XI аср иккинчи ярми – XII аср биринчи чораги) вакили ҳисобланади. У ижод қилган даврнинг характерли хусусияти шундаки, арабча асар муаллифининг исми ўша вақтда амал қилган латин тили транскрипцияси қоидаларига мувофиқ “is”, “us” ва “es” кўшимчаларини қўшиш орқали ёзилган. Мисол учун, айна даврда яратилган таржималарда Умар ат-Табарий исми Omar Tiberiadis, ал-Хоразмий исми Alkhanresmus, ар-Розий исми Rhazes шаклида ёзилган, ал-Беруний исмига нисбатан ўхшаш бўлган ал-Баттаний исми эса Albategnius тарзида келтирилади. Шундай экан, агар Педро Альфонсо ал-Беруний асарларини таржима қилганида, олим исмини Ф.Сулаймонова кўрсатганидек, арабча талаффузда *Ali Boroni* деб эмас, балки ўша даврдаги транскрипция қоидаларидан келиб чиқиб, Alberinius шаклида келтирган бўлар эди.

Педро Альфонсо ижод қилган даврнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, бу пайтда таржимонлар латинчага ўгирилаётган асарлардаги Уқлидус – Евлид, Фисағурас – Пифагор, Жолинус – Гален, Батлимиус – Птолемей, Арасту – Аристотель, Афлотун – Платон эканлигини англаб

етмаганлар. Бундан ташқари, яратилган таржималарни ўқиган олимлар эса Alkhanresmus (ал-Хоразмий), Alfraganus (ал-Фарғоний), Rhazes (ар-Розий), Alfarabius (ал-Фаробий), Avicenna (Ибн Сино) ва бошқа шу каби муаллифларни латин олимлари деб ўйлаганлар. XV аср охири – XVI аср бошларида исмларнинг идентификация қилиниши натижасида улар мусулмон Шарқи алломалари эканлигига амин бўлинган. Бу жараёнда Э.Ратдольт (1447-1528), А.Жунта (1457-1538), М.Сесса (ваф. 1550), И.Скот (1477-1548), Ж.Монте (1498-1551), И.Опорин (1507-1568), Г.Петри (1508-1579), У.Нойбер (ваф. 1571), И.Хеллер (1518-1590) каби европалик ноширлар муҳим роль ўйнашган. Айнан уларнинг хизматлари билан ўрта аср Шарқ олимларининг XI-XIII асрларда латин тилига ўгирилган асарлари чоп этилиб, Европанинг деярли барча мамлакатлари бўйлаб тарқалди. Таассуфки, мазкур матбаачилик ишларида ҳам Беруний исми бирор жойда қайд этилмаган. Бошқача айтганда, агар ҳақиқатдан ҳам Беруний асарлари XI-XIII асрларда Европада латин тилига ўгирилганда, уларнинг таржималари ақалли кейинги давр олимлари эътиборидан четда қолмас эди. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, ҳозирга қадар Беруний асарларининг бирон-бир латинча нусхаси аниқланмаган.

Юқоридагилардан ташқари, Ф.Сулаймонова ўз монографиясида “Сицилия қироли Рожер II саройида яшаб, ижод этган Абу Абдуллоҳ ал-Идрисий *“Нузҳат ал-муштоқ фи-ихтироқ ал-офоқ”* [“Саёҳатга муштоқ бўлганнинг уфқларга саргузаштлари”] асарида [ал-Берунийнинг] *“Ҳиндистон” асарининг XVIII бобидан тўлиқ фойдаланган*” [5;246-247]лиги қайд этилган. Бироқ муаллиф бу сафар ҳам келтирилган ушбу маълумотнинг исботи учун на Идрисий асарига ва на бошқа бирор-бир манба ёки илмий адабиётга ишора қилмай, ўз маълумотини шубҳа остида қолдиради.

1100-1165 йилларда яшаб ижод қилган Идрисийни ўрта асрларнинг энг машҳур географларидан эканлиги кўпчиликка яхши маълум. Унинг юқоридаги асари 1154 йилда ёзиб тугалланган бўлиб, Сицилия қироли Рожер II (1130-1154) топшириғига биноан яратилганлиги боис “Китоб ар-Ружжорий” (“Рожер китоби”) номи билан ҳам аталади. Асарнинг 1300 йилда кўчирилган

арабча нусхаси 1592 йилда Римда [11] машхур Медичи ноширлик уйи томонидан чоп этилган. 1619 йилда эса Г.Сионита ва Х.Гесронита томонидан лотин тилига ўгирилиб, Парижда [12] нашр қилинган. Асарнинг XIV-XV асрларда кўчирилган учта нусхаси ҳозирга қадар етиб келган бўлиб, уларнинг иккитаси Париждаги Франция Миллий кутубхонасида (Arabe 2223), биттаси Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида (MS. Greaves 42) сақланмоқда. Биз, мазкур нашрлар ҳамда асарнинг Оксфорд қўлёзмасини электрон нусхасини ўрганиш натижасида ал-Идрисий ал-Берунийнинг “Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула” асари билан бевосита таниш бўлмаган, деган хулосага келдик. Чунки, ал-Идрисий китобининг кириш қисмида ўзи мурожаат қилган асарлар муаллифларини бирма-бир санаб [11; 13] ўтган. Булар антик давр олимларидан К.Птолемей (90-161) ва П.Орозий (385-420), Шарқ олимларидан эса ал-Яқубий (ваф. 897), Ибн Хурдодбех (ваф. тахм. 912), Қудамма ибн Жафар (ваф. тахм. 922), ал-Жайҳоний (ваф. 942), ал-Масъудий (ваф. 956), Ибн Ҳавқал (X аср), ал-Узрий (1003-1085), шунингдек, ҳаётига оид маълумотлар деярли сақланмаган Мусо ибн Қосим ал-Қародий, Исҳоқ ибн ал-Ҳасан ал-Мунажжим, Жоноҳ ибн Ҳоқон ал-Кимоқийлардир. Аён бўлганидек, Берунийнинг исми бу рўйхатда учрамайди. Бундан ташқари, асарнинг бирон-бир саҳифасида Беруний исми ёки “Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула” номи тилга олинмаган.

Машхур рус шарқшуноси И.Крачковский ўзининг аввалроқ тилга олинган “Арабская географическая литература” номли тадқиқотида Идрисийнинг юқоридаги асарини [2; 281-299] таҳлил қилиб, унда ишора берилган ва муаллиф бевосита фойдаланган манбаларни санаб ўтади. Жумладан, шарқшунос олим *ал-Идрисий Ҳиндистонга оид маълумотларни келтиришида ал-Жайҳонийга* [аниқроғи, “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” (“Масофалар ва мамлакатлар китоби”) асарига] *таянган* [2; 291]лигини таъкидлайди. Аммо И.Крачковский асарида ҳам “*ал-Идрисий “Нузҳат ал-муштоқ фи-ихтироқ ал-офоқ” асарида “Ҳиндистон” асарининг XVIII бобидан тўлиқ фойдаланган*”лиги тўғрисидаги маълумотни тасдиқловчи далиллар

келтирилмаган. Бошқача айганда, агар Идрисий “Ҳиндистон” асаридан фойдаланганида, бу унинг китобида ўз аксини топар ва бу ҳол география тарихининг билимдони, Беруний илмий меросининг йирик тадқиқотчиси И.Крачковский томонидан ҳам қайд этилган бўлур эди.

Шу ўринда, И.Крачковский асарида Беруний асарларини *“Испанияда билишгани ва Шарқнинг бошқа улуг олимларининг китоблари сингари, улар ҳам XI-XIII асрларда латин тилига ўзгирилгани”* [2; 261] хусусидаги тахмин илгари сурилганлигини қайд этиш лозимдир. Аммо китобда Берунийнинг айнан қайси асарлари, кимлар томонидан ва қачон латин тилига таржима қилинганига оид масалалар очиқ қолган бўлиб, бу борада бирор маълумот келтирилмайди. Бундан ташқари, китобнинг “XI-XII аср Ғарб географлари” номли ўнинчи бобида ал-Узрий, ал-Бакрий (ваф. 1094), аз-Зухрий (XII аср), Ибн ал-Арабий (1076-1148), ал-Гарнотий (1080-1170), ал-Идрисий (1100-1165), Ибн Маммотий (ваф. 1209), Ибн Жубайр (1145-1217) каби Европа худудида ижод қилган олимларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар [2; 272-310] баён этилиб, уларнинг география фанига қўшган ҳиссаси илмий таҳлил этилади. Лекин санаб ўтилган олимлар Беруний асарларидан фойдаланганликлари ёки аллома яратган назарияларнинг ушбу олимлар дунёқарашига таъсирини кўрсатиб берувчи далиллар келтирилмагани *“ал-Беруний асарларини Испания [шу билан бирга Ғарб]да билишгани”*га оид мулоҳаза мунозарали эканлигини англатади.

Биз, айти масалага ойдинлик киритувчи тадқиқот натижаларимизни аввалги ишларимизда [3] эълон қилиб, Беруний асарлари ўрта аср Европа таржима марказларида ўша даврнинг илмий тили ҳисобланган латин ёхуд бошқа маҳаллий тилларга ўзгирилмаганлигини тарихий манбалар ҳамда илмий тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили асосида исботлаб берган эдик.

Айти мақолада эса масаланинг яна бир муҳим жиҳати – қандай сабаблар билан Беруний асарлари ўрта асрларда Европада таржима қилинмаганлиги, нима учун янги даврга қадар аллома асарлари минтақа илм аҳли эътиборидан четда қолганлигига ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Ўрта асрларда Европада асарлари катта қизиқиш билан лотин тилига таржима қилинган мусулмон Шарқининг буюк мутафаккирлари қаторига Жобир ибн Ҳайён (721-815), Хоразмий (783-850), Балхий (786-886), Фарғоний (797-865), Киндий (800-873), Ҳунайн ибн Исҳоқ (809-877), Розий (865-925), Форобий (873-950), Ибн Ҳайсам (965-1039), Ибн Сино (980-1037) ва Ғаззолий (1058-1111) каби етук олимларни киритиш мумкин. Аммо улар орасида ўрта аср Шарқ илм-фанининг деярли ҳамма соҳалари ривожини ўз даври учун олий даражага кўтарган, асарлари савияси, тадқиқот методи билан замонамиз фани даражасига ета олган олим – Беруний исми йўқлиги кишини ҳайратга солиши табиий. Чунки, айнан Беруний юқоридаги олимлар плеядасининг ҳақиқий маънодаги етакчиси бўлган.

Берунийшунос олимларга яхши маълумки, Абу Райҳон Беруний номи ва асарлари XIX аср ўрталарига келибгина Ж.Т.Рено (1795-1867), Б.Бонкомпани (1821-1894), А.Гумбольдт (1769-1859), Э.Захау (1845-1930), В.Розен (1849-1908) [4] каби шарқшуносларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Европада танила бошлади. Жумладан, 1869 йилда италиялик Балдассар Бонкомпанъи (1821-1894) алломанинг “Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга мақбул ёки номақбул таълимотларини тушунтириш”) асарининг айрим қисмларини эълон қилган бўлса, 1876-1878 йилларда австриялик олим Эдуард Захау алломанинг “ал-Осар ал-боқийа ан ал-қурун ал-холийа” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарининг арабча матни [8]ни, 1879 йилда эса унинг инглиз тилидаги таржимаси [9] ни чоп эттирди. 1888 йилда эса алломанинг “Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула” асарини инглиз тилидаги дастлабки тўлиқ таржимаси Лондонда [10] нашр қилинди. Натижада, европаликлар кечикиб бўлса-да, аллома асарлари билан танишишга муяссар бўлдилар. Шу тариқа, бутун дунёда Беруний шухрати кенг тарқалиб, олим номи ўз сафдошлари қаторидан муносиб жой эгаллади.

Хўш, қандай сабаблар билан Беруний асарлари XII-XIII асрларда Европада таржима қилилмади? Аслида, ўз замондошлари каби олим асарлари

хам ўрта асрларда Ғарб мамлакатларига кириб борганми-ди? Нима учун янги даврга қадар аллома асарлари Европа илм-аҳли эътиборидан четда қолди?

Мантиқийлик нуқтаи-назаридан юқоридагилардан дастлаб аллома асарлари ўрта асрларда Ғарб мамлакатларига кириб борганми-ди, деган саволга жавоб топиш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросининг ўрганилиши” мавзусида олиб борилган докторлик диссертацияси тадқиқоти натижасида XII-XIII асрларда асарлари лотин тилига ўгирилган қирқ нафар Шарқ олимлари аниқланди. Қайд этиш лозимки, уларнинг катта қисми (29 нафари)ни мусулмон Шарқи, яъни, машриқлик алломалар, қолган қисми (11 нафари)ни мусулмон Ғарби, яъни, мағриблик олимлар ташкил этади. Олимларнинг 5 нафари – Хоразмий, Балхий, Фарғоний, Форобий ва Ибн Сино бевосита Марказий Осиёдан ҳисобланади.

Асарлари ўрта асрларда лотин тилига таржима қилинган машриқлик алломаларнинг таржимаи ҳолига эътибор қаратилса, улар ўз умрининг асосий қисмини насроний ва ислом олами алоқаларида муҳим ўрин тутган Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб ва Қоҳира каби марказий шаҳарларда ўтказганлигини кўриш мумкин.

Беруний эса турли йилларда Кат, Бухоро, Рай, Журжон, Гурганж, Ғазна шаҳарларида, шунингдек, маълум муддат Панжоб ҳудудида яшаган ва умрининг асосий қисмини Ғазнавийлар пойтахтида ўтказиб, ўзининг энг нодир асарларини шу ерда яратган. Ушбу жиҳат, ўз даврида аллома асарлари мусулмон дунёсининг асосий фан марказлари ҳисобланган Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб ёки Қоҳира бўйлаб тарқалмай, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудуди доирасида қолиб кетган, деб хулоса қилишга асос бўлади. Бу борада, алломанинг замондоши Ибн Сино асарларини Европага етиб боришида, уни юқоридаги шаҳарлардан Бағдод илмий муҳити таъсирида бўлган ва шаҳарга географик жиҳатдан нисбатан яқин Ҳамадонда узоқ муддат яшаганлиги муҳим роль ўйнаган.

Юқоридаги фикримизни XII–XIII асрларда мусулмонлар таъсирида бўлган ал-Андалусда яратилган био-библиографик асарлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, қуртобалик Ибн Башкувол (1101–1183)нинг “ас-Сила фи тарих а’иммат ал-Андалус” (“ал-Андалус илмий тарихининг давоми”), Мурсияда ижод қилган мусулмон биографи Абу Жафар ал-Даббий (ваф. 1202)нинг “Бугат ал-мултамис фи тарих рижол аҳл ал-Андалус” (“Ал-Андалусиянинг биографик қомуси”), Валенсияда яшаган Ибн Аббор (1199-1260)нинг “Китоб ал-Такмила ли китоб ал-сила” (“ас-Сила китобига қўшимчалар”) номли китоблари [7]да асарлари лотин тилига таржима қилинган машриқ олимларнинг деярли барчаси, шу жумладан, Хоразмий, Балхий, Фарғоний, Форобий ва Ибн Сино исмлари ҳам қайд этилиб, уларга ишоралар берилган. Аммо, асарлар матнида ёки улардаги ишораларда Беруний исми ёхуд унинг асарлари тилга олинмаган. Бошқача айтганда, агар аллома асарлари Европа, шу жумладан, мағриб мамлакатлари бўйлаб тарқалганда, асарларининг юқори савияси сабаб, аллома исми ҳеч бўлмаганда ал-андалуслик муаррихлар томонидан эсга олинар эди.

Соҳа мутахассислари бизнинг бу фикримизни бир жиҳат билан инкор этишлари мумкин-ки, у ҳам бўлса Европа қўлёзма фондларида аллома қаламига мансуб асарларнинг арабча нусхаларини муайян даражада тарқалганлигидир. Бу асосли раддия бўлиб кўринсада, бироқ алломанинг замонавий фондларда сақланган асарлари XVIII аср иккинчи ярми ҳамда XIX асрда Шарқ мамлакатларидан Европага олиб ўтилган қўлёмалар ҳисобланади.

Агар назарий жиҳатдан аллома асарлари Европага ўрта асрларда кириб борганлигига – бунга юз бериши мумкин бўлган табиий ҳолат сифатида қаралса, унда қандай сабаблар билан улар лотин тилига таржима қилинмай қолганлигини аниқлаш лозим бўлади. Бу борадаги тадқиқот натижалари қуйидагича:

Европа таржимачилигининг XII-XIII асрлардаги тарихига тааллуқли манбалар ҳамда айни даврда арабчадан лотин тилига ўгирилган асарлар

матнларининг таҳлили, бу босқичда таржима учун танлаб олинувчи асарларни саралашда, уларни энг аввало антик давр олимларига тегишли эканлиги ёки бу каби асарларни тушунишга ёрдам бера олиш даражасига қаралганлигидан далолат бермоқда. Соддароқ айтганда, таржима қилиш учун танлаб олинаётган асар ё қадимги юнон-рим олимларидан бирининг қаламига мансуб бўлиши, ёхуд уни тушунтиришга бағишланган шарҳ ёки улар асосида мусулмон олимлари томонидан яратилган китоб бўлиши шарт ҳисобланган.

Мисол учун, ўрта аср Европа таржима марказларининг энг йирик объекти ҳисобланган Толедо мактабининг таъсисчиси, Толедо шаҳри черковининг кутубхонасида жамланган араб тилидаги асарларни таржима қилиш ва ўрганиш ишининг илк ташаббускори архиепископ Раймондо де Сальвета (1125-1151) асарларни таржима учун танлашда уларни биринчи навбатда Аристотель (мил. авв. 384-322)га тегишли эканлигига алоҳида эътибор қаратган. Пьер де Монтбоиссиер (1094-1156)нинг “*Summa totius haeresis Saracenorum*” [15] (“Мусулмонларнинг тартиб қоидалари”) номли асарида *Раймондо ўз таржимонларига кутубхонадан Аристотель асарларини топганини ҳамда уни тушуниш осон бўлиши учун олим асарларига ёзилган шарҳлар ёки унинг асарлари таъсирида ёзилган бошқа арабча асарларни лотинга ўгиришни буюрган* [15; 286]лиги қайд этилган. Ушбу жиҳатни ўрта аср лотин таржимачилигига оид маълумот берувчи араб тилли манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Ибн Башкуволнинг «ас-Сила фи тарих а’иммат ал-Андалус» («ал-Андалус илмий тарихининг давоми») номли асарида *насроний руҳонийси кутубхонада жамланган асарларни таржима қилдириши учун Севилья қозиси Абу Бакр ибн ал-Арабий (1076-1148)га мактуб йўллаб, ундан қадимги илмлар ва фалсафий билимларни шарҳлай олиши мумкин бўлган ўз одамларидан жўнатишини илтимос қилган* [7: 564]лигини таъкидлайди. Бундан кўринади, архиепископ кутубхонада сақланаётган қадимги юнон олимларининг асарларини аниқлаб, уларни лотин тилига таржима қилдирмоқчи бўлган.

Юқоридаги каби манзара ўрта аср Европа таржимачилигининг яна бир муҳим йўналиши – Италия ва Сицилияда ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Мартин фон Троппоу (1220-1279)нинг “Chronicon pontificum et imperatorum” (“Папалар ва императорлар солномаси”)да баён қилинишича, император Фридрих II Гогенштауфен (1220-1250) ўз саройида таржима ишларига алоҳида эътибор қаратишининг бош сабаби турли фанларни ўзлаштириш вақтида императорда юзага келган саволларга жавоб топиш бўлган [14; 392]. Мисол учун, манбада Фридрих II ўша даврда машҳур бўлган “existentiam aeternam mundo” (абადий дунёнинг мавжудлиги), “essentia theologia” (илоҳиётнинг моҳияти), “Categoriae” (Аристотель категориялари) ва “immortalitate animae” (руҳнинг абადийлиги)га оид саволларга жавоб топиш учун ал-Муваҳҳидунийлар халифаси Абдулвоҳид I (1153-1224)га мактуб йўллаб, *мазкур саволлар бўйича халифа олимларининг жавоби қандай эканлигини сўраган* [14; 393]. Ушбу саволларга жавоблар халифанинг файласуф вазири Ибн Сабин (1216-1271) томонидан рисола кўринишида тайёрланиб, унга “ал-Масо’ил ал-Сиқиллийя” [13] (“Сицилия саволлари”) деб ном берилган. Мазкур рисолада Ибн Сабин юқоридаги саволлар бўйича антик давр олимлари ҳамда Форобий, Ибн Сино ва Ғаззолий каби машҳур мутафаккирларнинг қарашларини келтириб, уларнинг бу борадаги айрим асарларини санаб ҳам ўтади. Жумладан, асарда Форобийнинг “Шарҳ китоб ал-Мақулот” ва “Мақола фи ма’но ал-‘ақл”, Ибн Синонинг “Шарҳ китоб ал-қиёс” ва “Китоб аш-Шифо’”, Ғаззолийнинг “Таҳофут ал-фаласифа” номли асарларига ишоралар [13; 64] мавжуд. Назаримизда, император асардан ўзини қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб топа олмаган. Чунки, император рисолада исми тилга олинган олимларнинг асарларини топиш ва уларни латин тилига таржима қилиш ҳамда бу ишни амалга ошириш учун таржимонларни Палермога чақиртириш тўғрисида буйруқ беради [14; 394]. Натижада, шаҳарда антик давр ҳамда мусулмон Шарқи олимларининг асарларини таржима қилиш билан доимий шуғулланувчи таржимонлар жамоаси шаклланади.

Энди айни масаланинг иккинчи тарафига эътибор қаратсак. Беруний мусулмон Шарқи Ренессансининг бошқа олимларидан фарқли равишда ўз асарларида антик давр олимлари, шу жумладан, қадимги юнон илмий меросидан камроқ фойдаланган ҳамда одатда юнон олимлари фикрларига танқидий муносабат билдирган. Буни, Беруний ва Ибн Сино ўртасидаги ёзишмалар [1] ҳам тасдиқлайди. Ушбу савол-жавобларда Беруний томонидан Ибн Синога йўлланган Аристотелнинг “Περὶ οὐρανοῦ” [Περὶ урану́] (“Само китоби”) бўйича ўнта ҳамда “Φυσικὴ ἀκρόασις” [Фюсикэ́] (“Физика”) китоби бўйича саккизта савол муҳокама қилинган. Муҳокамаларга эътибор қаратилса, Ибн Синонинг қадимги юнон олими фикрларини қўллаб-қувватлаганлигини, Беруний эса аксинча, уларни ўз тадқиқотлари натижасига кўра инкор этишга уринганлигини кўриш мумкин.

Манбаларда сақланган юқоридаги каби далиллар, Беруний асарларини ўрта аср Европа таржима марказларида лотин тилига ўтирилмаганлигининг сабаблари тўғрисида қуйидагича хулоса қилишга асос бўлади:

биринчидан, катта эҳтимол билан Беруний асарлари, олимнинг ўзидан аввалги ва аксар замондошларидан фарқли равишда ўрта асрларда Европа худудига етиб бормаган, бунга аллома асарлари дастлабки вақтда Мовароуннаҳр ва Хуросон худуди доирасидагина тарқалганлиги сабаб бўлган. Унинг қаламига мансуб асарларнинг ҳозирги кунда Европа фондларида сақланган арабча нусхалари, минтақада шарқшунослик, шу жумладан, арабшунослик тадқиқотлари кенг йўлга қўйила бошланган XVIII аср иккинчи ярми ҳамда XIX асрда Шарқ мамлакатларидан олиб ўтилган қўлёзмалар ҳисобланади. Бу ўринда, Европа қўлёзма фондаларида Беруний асарларининг бирорта ҳам лотинча нусхалари мавжуд эмаслигини қайд этиш зарур;

иккинчидан, агар назарий жиҳатдан аллома асарлари Европага ўрта асрларда кириб борганлигига юз бериши мумкин бўлган табиий ҳолат сифатида қаралиб, унинг асарлари минтақа бўйлаб ўрта асрларнинг ўзидаёқ тарқалган, деб фараз қилинган тақдирда ҳам алломани қадимги юнон илмий меросига, шу жумладан, XII-XIII асрлар лотин таржимачилигининг бош

тадқиқот объекти – Аристотель ғояларига оид танқидий қарашлари, унинг асарларини таржима учун атайин танланмай қолишига сабаб бўлганлигидан далолат беради. Айни жиҳат ўзида ўрта аср латин таржимачилиги методикасига таъсир кўрсатган “мафкуравий босим”нинг яна бир кўринишини ифодалайди. Чунки, XII-XIII асрлардаги таржима ишларининг бош ташаббускори ва ҳомийси христианлик черкови бўлган ва араб тилидаги асарлар энг аввало черковнинг бош мафкурасига мослаштириб таржима қилинган. Буни, “Қуръон”нинг латин тилидаги илк нусхасини яратилишига бошчилик қилган Пьер де Монтбоиссиернинг “Summa totius haeresis Saracenorum” асарида келтирилган *ушбу таржимадан бош мақсад аслида исломий таълимотларни чуқурроқ ўрганиб, улардаги хатоликларни аниқлаш ва шу асосида бу таълимотни инкор этиш* эканлигига ёки астрономия ва фалсафага доир арабча асарлардаги *Ислом динига оид маълумотлар латин ўқувчиларининг онггини бузмаслиги учун атайин тушириб қолдириш шарт* [15; 111-112] этиб белгиланганлигига оид қайдлар ҳам тасдиқлайди.

Юқоридаги жиҳатлар астрономия, математика, минералогия, фармокология, геодезия ва география фанларини ўзидан аввалги ва кейинги даврлар учун янада мукамалроқ, яхшироқ ва замонавийроқ ифодалаб берган “ал-Қонун ал-Ма‘судий фи-л-хай’а ва-н-нужум”, “Китоб ас-сайдана фи-т-тиб”, “Китоб ал-жамохир фи ма‘рифат ал-жавоҳир”, “Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-‘ақл ау марзула”, “ал-Осар ал-боқийа ‘ан ал-қурун ал-ҳолийа” каби асарларни Европа илм аҳли учун то XIX асрга қадар номаълумлигича қолиб кетиши сабаб бўлди.

Шундай қилиб, мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз натижасида Беруний асарларини ўрта асрларда Европа таржима марказларида латин тилига ўгирилганлиги хусусидаги аниқ илмий далилларга дуч келмадик. Бу борада, фанда мавжуд маълумотлар “Арабская географическая литература” ҳамда “Шарқ ва Ғарб”даги тахминий мазмундаги фаразларга асосланган. Шундан келиб чиқиб, айни масала бўйича юқоридаги тадқиқотларга

асосланган бир қатор расмий нашрлар ва илмий ишлардаги маълумотлар таҳрирга муҳтождир.

Юқорида И.Крачковский ва Ф.Сулаймонова асарларидаги айрим фикрларга нисбатан билдирган раддияларимиз асло бу таниқли олимларнинг фан олдидаги хизматларини шубҳа остига олиш, деган маънони англатмайди. Илм аҳли уларнинг фан тарихини тадқиқ этишга улкан ҳисса қўшганликларини яхши билади. Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз ҳозирга қадар ўрганилмай қолган масала юзасидан олиб борган изланишимиз натижасини илм аҳли эътиборига етказишдан иборат, холос.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бируни и Ибн Сина. Переписка. / Пер. Ю.Н.Завадовского. – Ташкент: Фан, 1973. – 36 с.
2. Крачковский И. Избранные сочинения. Арабская географическая литература. Т. IV. – Москва, 1957. – 920 с.
3. Маҳмудов О.В. Ali Boroni-ми ёки Alberinius? Ньюанс: Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималарига оид айрим мулоҳазалар. // «FarDU ilmiy xabarları» илмий журнали. – Фарғона: Фарғона давлат университети, 2018. – № 5. – Б. 64-68.
4. Розен В. Рец. на кн.: Alberuni's India. An Account of the Religion, Philosophy, Literature, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about A. D. 1030. Edited in the Arabic Original by Dr. Edward Sachau. London, 1887. // Записки Восточного отделения Имп. Русского Археологического общества. – № 3. – Санкт-Петербург. 1889. – С 146–162.
5. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 414 б.
6. Штроммайер Г. Ал-Беруний: Ғарб дунёси билмаган даҳо // Жаҳон адабиёти. – № 3 (117). 2007. – Б. 131–137.
7. Abbr Ibn^a. Complementum Libri as-Sila. / Ed. F.Codera-Zaidín. / Biblioteca arabico-hispana. – Tomos 6–7. – Caesaraugustae: Typographia Fratrum Comas, 1888–1889. – 1489 p. (Vol. 1 – 593 p.; Vol. 2 – 896 p.); Dabb. Ahmad ibn Yahy^b. Bughyat al-multamis fi tāriḫ rijāl ahl al-Andalus. / Ed. F.Codera-Zaidín, J.Ribera.

/ Bibliotheca arabico-hispana. – Tomo 3. – Caesaraugustae: Typographia Fratrum Comas, 1884. – 672 p.; Ibn Baškuwāl^c. Aš-šila fī ta'rīḥ a'immat al-Andalus. / Ed. F.Codera-Zaidín. / Bibliotheca arabico-hispana. – Tomo 2. – Mağrīt: Rūḥas, 1882. – 796 p.

8. Al-Bīrūnī. Kitāb al-Āthār al-bāqiyah. Chronologie orientalischer Völker von Alberūnī. / Ed. E. Sachau. – Leipzig: Gedruckt auf Kosten der Deutschen Morgenländischen Gesellschaft, 1878. – 489 s.

9. Al-Bīrūnī. The Chronology of Ancient Nations: An English verion of the Arabic text of the “al-Āthār al-bāqiya” or “Vetiges of the Past”, Collected and Reduced to writing by the Author in A.H. 390 – 391, A.D. 1000. / Ed. and trans. E.Sachau. – London: W.H.Allen, 1879. – 492 p.

10. Al-Bīrūnī. Kitāb Ta'riḥ al-Hind. Alberuni's India: An Account of the Religion, Philosophy, Literature, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about 1030. / Ed. E.Sachau. – London: Trübner, 1888. – 459 p.

11. Al-Idrisi. De Geographia Universali: Kitāb Nuzhat al-mushtāq fī dhikr al-amṣār wa-al-aqtār wa-al-buldān wa-al-juzur wa-al-madā' in wa-al-āfāq. – Rome, 1592. – 758 p.

12. Al-Idrisi. Geographia Nubiensis: id est accuratissima totius orbis in septem climata divisi descriptio, continens praesertim exactam vniuersae Asiae, Africae, rerumque in ijs hactenus incognitarum explicationem. / Trans. and eds. G.Sionita, J.Hesronita. – Paris, 1619. – 954 p.

13. Ibn Sabin. Le questioni siciliane. / Ed. P.Spallino anche Bakri Aladdin. – Palermo: Officina di Studi Medievali, 2002. – 129 p.

14. Oppaviensis M. Chronicon Pontificum et Imperatorum. / Monumenta Germaniae Historica. – Vol. XXII. / Ed. L.Weiland. – Hannoverae: Bibliopolii aulici Hahniani, 1872. – P. 377–475. – 724 p.

15. Petrus Venerabilis. Summa totius haeresis Saracenorum. / In Peter the Venerable and Islam / Ed by J.A.Kritzeck. – Princeton: Princeton University Press, 1964. – P. 115–293. – 301 p.